

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

288 Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-423-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси тўғрисидаги низомнинг 4-банди: қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хорижий инвесторларнинг буюртманомалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан «нулинчи» харид қиймати бўйича сотилсин».

ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн бешинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 4 июнь,
ПҚ-1768-сон